

Президентлар Хивани зиёрат қилди



Тоҷикистон Президенти Эмомали Раҳмон давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ичан қалъадаги тарихий обидаларни зиёрат қилди.


Маълумки, Ичан қалъа фақат ёдгорлик эмас, балки «тирик» шаҳардир. Бу ерда 120 дан зиёд меъморӣ обидалар бор ва ҳозиргача қадимӣ уйларда аҳоли яшайди. Унинг «очиқ осмон остидаги музей» деб аталиши шундан.

Хива шаҳри 1990 йил 12 декабрда ЮНЕСКО Маданий мерос рўйхатига киритилган. 1997 йилда шаҳарнинг 2500 йиллик юбилеи нишонланган. 2020 йилда Турксой халқаро ташкилоти томонидан Турк дунёсининг маданий пойтахти, деб эълон қилинган.

Давлат раҳбарлари Ота дарвозадан кириб, Кўк минора, Кўҳна арк саройи, Тошҳовлини томоша қилди. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва Жума масжидида Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Хоразмнинг тарихи, илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар, бой маданияти ва санъати меҳмонларда ёрқин таассурот қолдирди.

Шу билан Тоҷикистон Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи якунланди.





Манба